

Андижонлик пахтакорларнинг маслаҳатларини тўла амалга ошириб, мўл ҳосил етиштириш учун курашайлик!

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 96 (1358) 17 май, якшанба, 1959 йил. Баҳоси 20 тийин

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетида

Андижонлик пахтакорларнинг область колхоз ва совхозларида ўтказган ўзаро текширишининг якунлари тўғрисида

Область партия комитетининг бюроси Андижон область пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари ўртоқ Маликовнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни қайд қилдики, колхоз ва совхозларда ўзанинг биринчи цикл парвариши ҳаддан ташқари қониқарсиз олиб боришда ва бундан буён ўза парвариши соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар кечиктириб юборилмади.

Текшириш натижасида шу нарса аниқландики, кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари эрта мундтақларда чигитни текис ундириб олиш учун зарур тадбирларни амалга оширишни кучайтирмаганлар, яъналли, шунингдек механикация воситасида букетлаш, квадрат-уялаб экидан майдонлардаги гузаларни кўндалангига ишлаб ва озданлаштириш ташкил қилинмаган, ўзани парвариши қилишда илгор агротехника методларининг бузилишига йўл қўйилган.

Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Оржоникда, Миразқул, Пискент ва Чиноз районларининг партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чигит эрта мундтақда экиб тамом бўлиганидан кейин дала ишларини кескин равишда бундтақларга юбордилар.

Бундай шароитда ҳамма ерда чигит суви беришни кучайтириб юбориш, кўчати сийрак ерларга қайта чигит экишни ташкил қилиш ва чигитни текис ундириб олишни тизимлаштириш бошқа шу сингари тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш зарур эди.

Область колхоз ва совхозларида тўла текшириш учун кураш олиб борилмади. Ҳозир текширишда кўпчилик хўжаликларда ҳозирга қадар бурчакларга, марзаларга ва ўқ ариқларга қўшимча чигит экилмаганини аниқланди.

Гулистон, Миразқул, Верхне-волинск, Бўка районларидаги кўпгина колхозларда, шунингдек «Оққўрғон», «Миразқул», «Пискент», «Гулистон» каби совхозлар ва бошқа бир қатор хўжаликларда ўза туплари ҳаддан ташқари сийрак.

Чигит яхши ундириб олинган район, колхоз ва совхозларда эса ўзаларни ўза мундтақларида янағашта етарли аҳамият берилмапти. Бу муҳим ишни чигит ундириб олинган барча майдонларда 14 майга қадар тамомлаш зарурлигига қарамай, шу кунгача фақат 110 миң гектар ердаги ўза янғаланган. Бу 54 процентини ташкил этади, холос. Бобут, Бўка, Юқори Чирчиқ районларида эса яна 50 процент ҳам бўлгани йўқ. Бу соҳада айниқса Пискент районидagi ахвол эътиборлидир. Бу районда экинчи 24 процент майдондаги ўза янғаланган.

Ўза парваришининг бошқа соҳаларида тадбирлар ҳам жуда сезилмади билан амалга оширилмади. Шу мундтақча ўзаси квадрат-уялаб ўстирилатган ерларда биринчи марта кўндалангига култивация қилиш ва оддий усулда ўстирилатган гузаларни механизация ёрдамида букетлаш фақат 64,7 процент, биринчи узунасига култивация қилиш 55 процент, озиклантириш 60, биринчи кетмон чопиға эса 20 процент бажарилган.

Чигитни ундириб олиш ва ўзаларни биринчи цикл парваришининг кечикиши натижасида кўпгина май-

донларда ўза сийрак бўлиб қолган ва ўза нормал ривожланмапти. Айниқса Оққўрғон, Бўка, Бекобод, Миразқул ва Ўрта Чирчиқ районлари колхозларида, шунингдек, «Пискент», «Фарход», «Гулистон» совхозларида бундай майдонларни ҳўлаб учратиш мумкин.

Ўзаро текшириш даврида жуда кўп жойларда иш сифатсиз ўтказилганлиги аниқланди. Оржоникда районидagi Киров номи, Юқори Чирчиқ районидagi Сталин номи, шунингдек Бўка, Бекобод районларидаги бир қатор колхозлар ва бошқа районларда трактор агрегатларининг ишчи органлари тўла бўлмагани ҳолда ундан фойдаланилган, култивация даврида зарур кенгликда қатор оралари юмшатилмаган.

Оққўрғон районидagi Охунбоев номи, «Октябрь 40 йиллик» колхозларида ўзани минерал ўғитлар билан озиклантиришда агротехника қоидалари бузилган.

«ЎзССР беш йиллиги» совхозида ўза элат олинмасдан сугорилиб, сув бостириб юборилган.

Ўза парваришида иш суръатининг паслиги асосий сабаблардан бири шунки, колхоз ва совхозларда ишчи кучларидан, моддий-техника ресурсларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Шу кунга қадар 490 трактор култиваторлари ишга тайёрланмаган. Ўза парваришида 80 миңга етар-етмас колхозчи, совхоз ишчилари қатнашмоқда. Бу — ишга яроқли аниқланган йерман қамийни ташкил қилади, холос.

Район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари дала ишларида қатнашган колхозчиларга, совхозчиларнинг ишчиларга, тракторчиларга маданий-маиший шароит яратиб бериш тўғрисида кам гахўрлик қилмоқдалар. Оммавий-сийсий ишлар, ўзаро социалистик мусобақа яхши ташкил этилмаган. Юқори ҳосил етиштириш, етти йилликнинг биринчи йилда нахта ҳосилини ошириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун курашаётган бригада ва эвенюлар ҳаракатини янада кенг аж олдиришга кам эътибор берилмоқда.

Область партия комитети бюроси қарор қилди:

1. Андижонлик ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг ўза парвариши юзасидан олиб борилаётган ишларни бундан буён яхшилашга қаратилган таклиф ва маслаҳатлари маъқуллансин.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари зиммасига колхоз ва совхозлардаги ўза парвариши соҳасида андижонлик пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси томонидан аниқланган камчиликларни теда тутатиш учун зарур чора-лар кўриш вазифаси топширилсин.

2. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси (ўртоқ Солмухамедов), совхозлар трестга (ўртоқ Иброҳимов), район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари, колхозларнинг правленселари ва совхозларнинг директорлари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) яқин икки-уч кун ичида чигит суви беришни тамомлаш; 20 майдан кечикмай барча майдонларда чигитни тўла ундириб олишни таъминлаш;

б) ана шу мундтақ ичида ўзаси сийрак карталарга, бурчакларга, марза ва вақтинчалик ўқариқларга

қўшимча чигит экиб, барча карталарда етарли миқдорда кўчат бўлишини таъминлаш;

в) 20 майдан кечикмасдан 180 миң гектар ердаги квадрат-уялаб ва оддий усулда экилган гузаларни кўндалангига култивация қилишни ҳамда механизлар ёрдами билан букетлашни, шунингдек, қўл билан янғалаб букетлашни тамомлаш, бу ишга етарли миқдорда колхозчилар ва совхоз ишчиларини жалб қилиш;

г) беш кунлик мундтақ ичида ўзани биринчи марта озиклантириш тамомлансин. Бу иш кўндалангига ва узунасига култивация қилиш билан бир вақтда ўтказилсин. Агрономлар, колхоз правленселари ва тажрибали бригадирлар билан биргаликда вегетация йўли билан сугоришни таъминлаштиришга план ишлаб чиқилсин, гузаларнинг тақаб қилини ва бостириб сугорилишига мутлақ йўл қўйилмасин;

д) қишлоқ хўжалик зараркуналдарига қарши кескин курашайлик, уларнинг оммавий тарқалишига йўл қўйилмасин.

3. 25 майдан 5 юнга қадар барча районлар, колхозлар ва совхозларда бегона ўғитларни йўқотиш ва нахта даладарини тўла тазолаш мақсадида йўл куллик ўтказилсин.

4. Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, колхозлар ва совхозлар олдига 1—5 юнга қадар барча майдонларда ўзанинг иккинчи цикл парваришини тўғаллаш вазифаси қўйилсин.

Колхоз ва совхозларга майнинг иккинчи ярмига белгиланган топшириларга етказилсин, бунда ўзанинг биринчи цикл парваришини тўғаллаш ва иккинчи цикл парваришини ўтказиш юзасидан тадбирлар кўзда тутилсин лозим.

5. Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, колхозларнинг правленселари ва совхозларнинг директорлари зиммасига:

а) яқин кунларда дала ишчиларини ремонт қилишни тамомлаш, тезла исик оват таъбирлашни ташкил қилиш, далада ишлаётган колхозчи ва совхоз ишчиларини маданий-маиший хизмат кўрсатиш;

б) уларнинг ишлаган меҳнат кунларига қараб системали равишда авилселар бериш тартибини таъминлаш, шу йўл билан барча колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг белгиланган кундалик нормани тўла бажаришларини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

6. Ўртоқ Шайховага Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фандари академиясининг мутахасссларини районларга, колхоз ва совхозларга чиқиб, жойлардаги ҳодимларга ва пахтакорларга юқори агротехника қоидалари тўғрисида консултациялар бериш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш ишларини уюштириш вазифаси юклатилсин.

7. Область газеталари редакциялари зиммасига илгор пахтакорлар тажрибасини кенг еритиш, хўжалик билан бепарволикка йўл қўйган ҳодимларни қаттиқ танқид қилиш, колхозлар, совхозлар ва районларнинг социалистик мусобақа кўрсаткичларини, 1959 йилги социалистик мажбуриятнинг қандай бажарилаётганини еритиб бериш вазифаси юклатилсин.

8. Катта хизматлари учун унга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти топширилди. (ТАСС).

Ўза парвариши жадал бормоқда

Шу кунларда Верхне-волинск районининг илгор колхозларида ўза парвариши қизиги бормоқда. «Қишлоқ Октябрь», Свердлов номи, Куйбишев номи колхоз аъзолари чигитни бир текис ундириб олиб, ўза қатор оралигига агротехника қоидаларини асосида ишлов бераётдилар.

Куйбишев номи колхозининг ўртоқ Абдуллажон Тўйчиев бошлиқ бригадаси аъзолари эришаётган ютуқлар мақтовга лойиқ. Улар 50 центнерлар ҳаракатига қўшилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўлида астойдил меҳнат қилишапти. Ҳозир бу бригаданинг биринчи парвариши тамомланди, айрим карталарда иккинчи парвариш бошлаб юборилди.

«Социализм» совхозида ҳам мўл ҳосил учун кураш социалистик мусобақа асосида олиб борилмоқда. Бу ишда, айниқса, совхознинг ўртоқ Бойқоқ Исирқонов бошлиқ қилмаётган бўлим ишчилари яхши натижаларга эришмоқдалар. Чигит сувидан кейин етилган майдонларни механизаторлардан Жайнар Искандаров, Ёрон Сариев, Тонтемир Шопулатов каби ўртоқлар пешна-пен култивация қилишмоқда. Бўлим ишчилари 530 гектар ердан 29 центнердан пахта ҳосили етиштириш ниятида кураш олиб бораётдилар.

Область пахтакорларининг кенгаши, — дейди бўлим бошқарувчиси ўртоқ Исирқонов, — ўза парвариши соҳасида бундан кейинги қилишимиз лозим бўлган ишларни кўрсатиб бериб, мўл ҳосил етиштиришда ағулет эмас, балки май ойи ҳал қилувчи ой эканлигини тажрибали пахтакорлар исебти қилиб беришиди. Биз бундан кейинги ишларимизда ана шунга амал қиламиз.

Дарҳақиқат, бугун пахта далаларида бўлган кини хурсанд бўлади. Ҳар бир ишчи, ҳар бир механизатор областнинг илгарини шуҳратини тиклаш учун бошланган катта курашга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи билан меҳнат қилапти. Юқори ҳосилнинг мустаҳкам пойдеворини курашапти.

Т. СОЛИЕВ,
М. НАТТАБЕКОВ,
Т. ОХУНОВ,
Х. ТОҒБОВ,
Н. ГАНИЕВ.

Далалардан дараклар

ЧИНОЗ. Далаларни айланган кини бир текисда униб чиққан аши квадратларни кўриб, хурсанд бўлади. Бу габишерлар ташаббусига қўшилиб, ҳар гектар ердан камда 20 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган ўртоқ Абдулла Мухаммаднов бошлиқ бригадани қаршилик карталар, Ленин номи колхозининг бошқа бригадалари ҳам ўза парвариши намунали ташкил этилган.

Шу райондаги Сталин номи колхозда ҳам мўл ҳосил учун кураш қизиги тус олади.

Т. Имомов,
Б. Жўраев.

ГУЛИСТОН. Круская номи колхозда бу йил 1300 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашилмоқда. Колхознинг О. Отақуллов, Т. Хатамов, М. Алёков, А. Қурбонбоев бошлиқ бригадалари ўза парваришини намунали ўтказиб, мусобақада олдинда бораётдилар.

Шу райондаги Фрунзе номи колхозининг илгор бригадалари ҳам андижонлик пахтакорларининг маслаҳатига амал қилиб, давлатга «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашаётган. Бу ерда макжажуридан мўл-кўл силос бостиришга ҳам пухта тайёргарлик қўйилмоқда.

Р. Жабборов,
Т. Қўшмаматов.

БОРАСУВ. Сталин номи колхоз аъзолари, «XXI партсъезд» совхоз ишчилари партия ва ҳукукуматимизнинг шаҳар аҳолисини сабабот маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш тўғрисидаги қарорини амалга ошира бориб, артаги ва ўртаги сабабот, картошка экинлари парваришини кучайтирмоқдалар. Сталин номи колхозининг ўртоқ Турсунбой Жўраев бошлиқ 3-бригадаси аъзолари 13 гектар ерда 70х70 схемаси билан квадрат-уялаб картошка еккан эдилар. Бригада аъзолари картошкани кетмонсиз механизация ёрдамида парвариш қилмоқдалар.

Н. Тожибоев,
М. Каримов.

БЕКБОД. Аҳмадали Тўхтаматов, Абдуоттар Отақўиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ўган йил гектаридан 33—37 центнергача ҳосил йиғиб олинган эди. Бу бригадалар 1959 йилда ҳосилдорликни янада оширишга қарор қилганлар. Экин ишлари сифатли ўтказилди. Ҳозирги кунда ўзани сугориш, култивация қилиш, озиклантириш ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилапти. Держинский номи колхозининг бу илгор бригадалари мўл ҳосилга пухта замин ҳозирламоқдалар.

А. Сатторов.



Янгийўл районидagi Сталин номи колхозда гузаларни эрта берилмоқда. Бу иш ўза қатор оралигини култивация қилиш Колхозининг ўртоқ Эргаш Қўрғонбоев бошлиқ эвеню аъзолари 34 центнердан ҳосил етиштириш, 35 гектар ернинг пахтасини машина билан териб олиш учун курашмоқдалар. Бу эвенюда гузаларни минерал ўғитга ўғит араштириб озиклантириш жуда яхши ташкил этилган. Суратда: тракторчи — эвеню бошлиги ўртоқ Эргаш Қўрғонбоев ўғит ташувчи билан биргаликда СУЗ ларга ўғит жойламоқда. В. Салов фотоси.

Қишлоқ хўжалик зараркуналдарига қарши актив курашайлик

Қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг жуда кўп резервлари бор. Буларнинг бири қишлоқ хўжалик зараркуналдарига қарши кескин курашдир.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, гузаларда пайдо бўладиган ўсимлик бити ва трипслар, айниқса хавфли зараркуналдаридир. Агар уларга қарши ўз вақтида актив кураш олиб борилад, ўзанинг соғом ўсиши ва мўл ҳосил етиштириш тизимлаш мумкин.

Ўган йили Кўп Чирчиқ районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида 2000 гектардан ортироқ ерда трип ва ўсимлик бити пайдо бўлади. Ана шу ерларнинг гузалари тезла меркантифос билан дориланди. Натижада трипс бактериялари ҳам, шира касаллигини вужудга келтирувчи ўсимлик бити ҳам қириб ташланди.

Шира ва трипс касалликлари кўпчиликта ўза ривожланишининг даст-лабки даражасида пайдо бўлади. Даво салқинроқ ва ёгинарчилик кўп бўлган тупайли ўган йили бу касалликлар жуда кўп тарқалди. Ана шу сабабдан тўғри хулоса чиқарган қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари техника ҳамда заҳарли дорилар тайёрлаб қўйиш ишларини жуда сезилмади билан бажариётдилар. Натижада қишлоқ хўжалик зараркуналдарини қириб ташлашга қаратилган тадбирлар ўз вақтида ўтказилмапти.

Бу йилги об-ҳаво шароити ҳам ўсимлик бити ва трипс бактерияларининг эрта пайдо бўлиши учун қудайлик тугайраётган.

Янгийўл, Оққўрғон, Чиноз, Гулистон ва бошқа районларда ўтказилган текширишлар натижасида шу нарса аниқландики, пахта майдонла-

ПОЙГАЧИЛАРГА „ОФАРИН“

Янгийўл районидagi Свердлов номи колхозининг раҳбарлари ишга раҳбарлик қилиш учун машина пойгасини ҳар кунингек бугун ҳам барвақт бошладилар. Колхоз раиси, партия ташкилотининг секретари, агроном ўзларининг энгил машиналарига ўтириб, гард тегмасин учун юзларига рўмонча туниб олдилар.

— Сиз машинани мана бу кўчадан ҳайдаг, — деди раис Убайдулла Мусаев парткомга — сиз, — деди у агрономга юзлашиб, — паст кўчадан ҳайдаг, ўзим юқори кўчадан кетдим.

Машиналар орқалирида чанг-тузон кўтариб, бир нафасда кўздан тийиб бўлади. Хил ўтмай катта тоз тағида уч раҳбар яна учрашди.

— Ишлар қалай борапти экан? — сўради раис.

— Чаманда далада одам кўпга ўхшайди — жавоб берди партком.

— Сен кўрган жойларда? —

— Чаманда гузалар текис униб чиққанда ўхшайди, — жавоб қилди агроном.

— Балли! — хурсанд бўлди раис. Учловлари ҳам машиналаридан туниб, кийимбошларига ўтирган чанг, гардларини қўқиб олди. Яна машинага ўтирилади. Мусаев буйрук берди:

— Энди орқамизга қайтиб, йўлнинг чап томонини кузатамиз. Йўл-йўлкай буйруқлар бериб боришни унутманг. Кетдик.

Колхознинг раҳбарлари шу кунларда дала ишларида ана шундай «раҳбарлик» қилмоқдалар. Натижада 1100 гектар унумли, бўлиқ ерга чигит сифатсиз экинди. Оқибатда нима бўлди дег? Йирик пайкаларда чигит ҳали ҳам униб чиқмай

Свердлов номи колхоз раҳбарлари ўза парваришига ана шундай «раҳбарлик» қилмоқдалар.

Н. Меламед чизган расм.

СССРнинг атоқли жамоат ва давлат арбоби Н. С. ХРУШЧЕВГА Халқаро Ленин мукофоти топширилди

16 майда Катта Кремль саройида тантанали мажлис бўлди. Бу мажлисда СССРнинг атоқли жамоат ва давлат арбоби ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун кураш йўлида қилган жу-

Ўзбекистон ССР бешинчи чақириқ Олий Совети иккинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси 1959 йил 20 майда эрталаб соат 10 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида очилади.

Иккинчи сессияга нопайтган Ўзбекистон ССР бешин-

чи чақириқ Олий Совети депутатлари 18 ва 19 майда эрталаб соат 10 дан кеч соат 9 га қадар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми йиғинида рўйхатга олин-



У. ЖОНГИТОВ,
Т. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Домий комиссияларнинг иши яхшилансин

Совет қўрилиши
Шаҳар ва қишлоқ Советлари ҳузуридаги домий комиссияларнинг фаолияти қанча оширилса, Советларнинг иши шунча яхшиланади...

Янгийул районидagi Қўйишев қишлоқ Совети сайловдан кейинги I сессиядаёқ турли соҳалар бўйича бир қанча домий комиссиялар ташкил қилинди...

Урғоч М. Эргашев бошлиқ мақта-маориф домий комиссиясининг аъзолари «Мақтабинг турмуш билан боғлиқ ишларни мустаҳкамлаш ва ҳалқ маорифи ишларини янада яхшилаш ҳақида Қўғонун» қишлоқ мақтабағарида амалда оширишга катта эътибор бера бошладилар...

Домий комиссия ўз мажлисида мақтаб ва маориф ишларига доир масалаларни тез-тез муҳокама қилиб туради. Шундай мажлисларнинг бирида 1-Урта мақтабда таълим-тарбия ишлари қандай олиб борилаётганлиги муҳокама қилинди.

Район пенсионерларининг кечаси

Тошкент шаҳар меҳнатқилар депутатлари Кирон район Советининг ижроия комитети шу йил 14 майда пенсионерлар кечаси ўтказди. Кечда 1500 дан ортиқ пенсионерлар...

Кечани район ижроия комитети раиси ўрғоч Х. Гуломовачи очди. Район социал таъминот бўлимининг муддир ўрғоч С. Г. Финкельштейн ўз сўзида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг пенсионерлар тўғрисида қилаётган зўр ғамхўрликларини маҳаллий материаллар мисолида айтиб берди...

Республикада қизамат қўрсатган айтитувчи Х. Исҳоқов, соғиб санъат ҳодими, ҳозир кекса пенсионер Житникова, Қаҳрамон она Йўлдошева ўртоқлар Уларига қўрсатилаётган буюқ ғамхўрлик учун давлатимиздан кечки мишнатдор эканликларини билдиришди...

Кеча 20 ва 88-мактаб пионерлари ҳурматли кексаларни табриқладилар. Кечда Пенсионерлар кенгашининг 27 кишидан иборат янги состави тасдиқланди.

Кеча охирида район Маданият уйининг хаваскорлари концерт қўйиб бердилар.

М. ЮСУПОВ.

Сабзавот ва картошка мўл бўлади

Карл Маркс қишлоқ советида қарашли Ленин номи колхозларида помидор, ўртаги қарам экин ишлари яхши ўтказилаётган. Шунингдек полиз экинлари экинчада агротехника мударатлари кечиктириб юборилмади. Юқоридаги колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳамма имкониятлардан фойдаланиб, бу соҳадagi камчиликларни тузатиш учун курашишлари керак.

Чорва молларининг муҳим оғизга баэани бўлган мажмажўр экин ва уни парварши қилиш иши ҳам айрим колхоз ва совхозларда сўз бормоқда. Илан бўйича 15 майга қадар 2056 гектар ерга макжажўри экинлини лозим эди. Бироқ ҳали макжажўри экингадан 327 гектар ер бор...

БАҲОРГИ ПИЛЛА ҚУРТИ БОҚИШНИ НАМУНАЛИ УТКАЗАЙЛИК

Сайдинисо опа хирмон кўтаради



Кўртлар энг охири уйқудан турганда Сайдинисо опа жуда шониб қолди. Ахир бир қут қурт уруғига унинг бир ўзи қарайди. Мамажон ақалини аҳди-аҳеда берган ердани — келтирилган барг қуртлар учун урув қам бўлмади. Эрта-инди пилла ўрайди қуртлар бўлса, қани тараф қимирлаб, Сайдинисо опа, пилла керак бўлса, бағрини кўпроқ бериб, деб тиқилсин қилишди.

Энди Мамажон ака ҳам пешонани маҳкам тангиб олди. Сайдинисо опа олиб-юғуриб қолди. Бу пайтда машинада келтирилган бағрларни сара-лаб, сўқчаларга авайлаб қўйишниги ўзи бир омас, яқин кишини чарчатади. Кўртларга ҳозир барг соласан, қўзиниги очиб юмгинингча ё бўлишди. Шундай бўлса ҳам, Сайдинисо опа бу ишни ёлғиз ўзи бажарди.

Кўртлар дастага кирганда, бағри ё бўлиган шохчаларни олиш анча мураккаб иш. Бунда жуда эҳтиёт бўлинмас, кўртларнинг бир қисми нобуд бўлади.

Шунча эҳтиёт бўлсам ҳам, гоҳо бирорта қурт шохга аралшиб қолди, нобуд бўлади. Шунинг кўра-нимда юратим жиниллаб кетади, — дейди опа.

Демак ихлос билан қилинган иш

Илгор районлар давлатга гўшт, сўт топшириш ярим йиллик планини бажардилар

Областимизнинг илгор колхоз ва совхозларида пахтачилигини ривожлантириш билан бирга қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан ҳисобланган чорвачиликка ҳам катта эътибор берилмоқда. Ег, гўшт, сўт этиштириш соҳасида яхши натижаларга эришилмоқда.

Кеча Урта Чирчиқ районидан хуш хабар келди. Давлатга — 338 ўринга 340 тонна гўшт топширилиб, ярим йиллик план ортиғи билан бажарилибди. Миричқўл району чорвадорлари ҳам ярим йиллик гўшт топ-

Пахтакорларга медицина хизмати

Област соғлиқни сақлаш бўлими гўза парваршилари дарида пахтакорларга медицина хизмати янада яхшилаш юзасидан бир дотор конкрет тадбирларни ишлаб чиқди. Област ва шаҳар соғлиқни сақлаш органлари ҳодимлари Тошкент обла-стининг илгарии шукратини тиклаш учун ёлғокорона меҳнат қилаётган пахтакорларимизга медицина хизмати яхшилаш мақса-дида пахтакор районларга қичиб, қишлоқ врачларига амалий ёрдам бермоқдалар. Улар болалар доқча-ларида, дала шийполарига, медицина пунктларига, қишлоқ касал-хоналарида бўладилар.

Тошкент шаҳридан 30 врач, шунингдек Олмалик, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларидаги маалакли медицина муассасалари ҳам пахтакорлар орасида иш олиб бормоқдалар. Похтақиларга соғлиқни сақлаш органлари қишлоқ мединкаларга ва дала шийполарига 1,5 миңдан ортиқ алтечка юбордилар. Бу му-тахаassisлар колхозчилар орасида медицина хизмати яхшилаш, профилактика тадбирларини ўткази-ши, турли касалликлар ҳақида лекция ва сўхбатлар ўтказиш каби муҳим ишларда ҳам қатнашмоқда-лар.

3. МУХАММАДЖОНОВ.

дириб топмоқдалар. Докладчи ана шундай бригадалар ҳаракатини оммани равишда кучайтириб, мўл-кўл сабазот, картошка, чорва маҳсулотлари этиштириш мажбуриятини ортиғи билан бажариш учун курашга чақирди.

Музокарада сўзга чиққанлардан «Тошкент» совхозининг директори Маҳмуд Нездатов ўзи бошқарётган хўжалик адресига қилинган тақдирчи тўри деб топди ва мажбур камчи-ликларни тузатиш учун қандай тад-бирлар амалга оширилаётганлигини сўзлаб берди.

Карл Маркс номи колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳра-мони Гуломмаҳмуд Абдулаев экин-лар парварши агротехникаси, ҳо-сидорларини ошириш йўллари ҳақи-да гапирди.

Хосидорликни ошириш учун, — дейди у, — ишни конвейер усулда ташкил этишга қатъий ама-лик лозим, шундай қилмоқда. Масалан, колхозимизда ўр-тоқ Эргаш Назаров бригадасида эр-таги экинлар ҳосили Янгишароф олинган, бу ерларга дарҳол фурсат-ни ўтказмай, кечки экинлар экин-ша қиришилди.

«Назарбек» совхозининг директори Туреволов, Ленин номи колхоз-нинг бригада бошлиғи Қосимов, Оқубоёв номи колхозининг бри-гада бошлиғи Энонов ва бошқа ўртоқлар му-зокарада сўзга чиқиб, қимматли ма-салада тадбирлар, ўз тажрибалари билан ўртоқландилар. Тошкент тў-қимчилик комбинатининг директори ўрғоч Абдулаев оталик ерданини кучайтиришга сўз берди.

Кенгаш қатнашчилари сабазот ва картошкадан мўл-кўл соғиб этишти-риш тадбирларини белгиладилар. Кенгаш охирида сабазотчи хўжа-ликларга қарата мурожаат қабул учун янгидан-янги резервларни қи-

Германия проблемасини ҳал қилиш ва Европада тинчликни таъминлаш қалиди

СССР делегацияси Германия билан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасини Женева кенгаши муҳокамасига тақдим этди

ЖЕНЕВА. 15 май. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Совет Иттифоқи делегацияси Германия билан тузи-ладиган сулҳ шартномаси лойиҳаси-ни ташкил ишлар министрлари ке-нгашининг муҳокамасига тақдим эт-ди.

Мажлисида Буюк Британия делега-циясининг бошлиғи С. Ллойд расме-лик қилди. Совет Иттифоқи делега-циясининг бошлиғи А. А. Громико Германия билан тузиладиган сулҳ шартномаси тўғрисидаги масала юзасидан баёнот берди.

Ушбу кенгаш чатирилиши олдида ўзаро ноталар юбориш давомиди, дейди А. А. Громико, унинг Германия билан сулҳ шартномаси тузиш тў-ғрисидаги масалани қараб чиқиши ҳақида бир битимга келинган эди. Уруш تامом бўлагудай бери гачи 14 йил ўтган бўлсада, Германия билан ғитлерчиларга қарши соғиб қолинишига ўртасида шу вақтгача сулҳ шартномаси тузилгани йўқ. Бу қолинишига Европадаги кўпчилик мамлакатлар ва бошқа қиталардаги кўпгина мамлакатлар кирган эди. Утган урушдан мерос бўлиб қолган ҳал этилмаган масалалар давлатлар ўртасидаги муносабатларга оғир юк бўлиб тушмоқда ва улар ўртасида тортишувлар, ихтилофлар ҳамда шубҳаларнинг доимий манбаи бўлиб қолмоқда.

А. Громико уқитириб ўтдики, Гер-мания билан сулҳ шартномаси ўз вақтида тузилганида эди, шубҳасиз, ҳозир бизнинг олдимизда бошқа Германия, Европада бошқа назит мавжуд бўлган бўлар эди. Сулҳ шартномаси мавжуд бўлган тақдир-да Германия Федератив Республика-сининг НАТО га қўшилиши, бун-десдернинг атом ва ракета қуроли билан таъминланиши, ГАРБИЙ Гер-манияда реваншчилик ҳуружлар синираги фактларнинг, яъни иккала герман давлати ўртасида катта қу-қур қазаган ва ҳозирги вақтда Германиядаги ва умуман Европада-ги назит учун жуда характери бўлган кескилик назитининг ту-ғилишига олиб келган шу хил ҳам-ма фактларнинг рўй беришини та-саввур қилиб бўлмайди-ку, ахир.

Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг ҳозирги сиёсатида кўп нарса, деб лозим қилди А. А. Громико, қалқаро кескиликни кучайти-ришга қаратилган, бу эса табиқий, ҳушёр бўлишга мажбур этади. Гер-мания Федератив Республикаси ҳуку-мати ўзининг территорияда даъво-ларини очқандан-очқ айтиб турган бери вақтда Европа давлатларининг, айниқса Германия билан қўшни бўлган давлатларнинг хотиржам бў-либ туришлари мумкинми, ахир.

Бундай шароитда Германия билан қўшни давлатлар ҳалқларининг тин-члигини таъминлаш бўлиб, бу ҳол Германия билан сулҳ шартномаси тузиш масаласини янада актуал қилиб қўймоқда, чунки бу шартнома бутун Германиянинг тинчликсевар-лиги йўлидан ривожланиши учун муайян бир гарантини бўлар эди. А. А. Громико яқин ўтмишининг тажрибасини, яъни фашизмга қар-ши курашда ғитлерчиларга қарши қудратли қозғалиш тузилганини эслаб, давлатларнинг социал-исти-коий системаларига табурутлар уларнинг халқларга тинч ҳаёт таъ-минлаш йўлида биргаликда ҳаракат этишлари учун тўққизлик қилмай-ди, лекин адолатли урушда ғалаба қозонини учун зарур бўлган ҳамкор-лик тинчликни сақлаш ва мустаҳ-камлаш учун ҳам зарурдир, дейди.

Агар ана шундай ҳамкорликни да-вом эттириш йўллари қидирилади бўлса, у ҳолда аввало, урушдан қолган ва иттифоқи давлатлар учун умумий бўлган масалаларни ҳал этишга қариниш табиқий бўлар эди. Германия билан сулҳ шартно-маси тузиш эса ана шу масалалардан энг муҳими эканлиги шубҳасиздир. Германия билан сулҳ шартномаси-нинг тузилиши ўз навбатида, биз-нинг қўлимизга мамлакатларимизни бир-биридан ажратиб турган бир қанча бошқа проблемаларни ҳал этиш қалидини бериб қўйган бўлар эди.

Германия билан сулҳ шартномаси тузишга қарин қичувчилар илгари сўраётган асосий вағга, яъни ҳозир-чи вақтда сулҳ шартномасини бутун Германия номидан имзолаш олади-ган ва шартномадан келиб чиқади-ган мажбуриятларнинг бажарили-шини таъминлаш оладиغان ҳуку-мат йўқ, деган вағга тўхталиб, А. А. Громико бундай дейди:

Бироқ бу вағга тўғри деб ҳам бўлмайди, асосли деб ҳам бўлмайди. У, Германиядаги ҳақиқий аҳоли-ни, унинг территориясида қўлдан бери яқин мустақил суверен давлат мавжуд эканлигини атайин эътибор-сиз қолдиришга асосланган. Зали-минда ана шу икки давлат ҳукума-тининг расмий вакиллари ҳозир бўлиб турганидан қўнғи ўзи ҳақиқатдан бундан кейин қўнғи мумкин эмаслигини кўрсатувчи яққол далил эмасми?

Германияда умум герман ҳукума-тининг вужудга келиш процесси жуда мураккаб ва узоқ давом этиши-ни била туриб, унда умум герман давлатининг вужудга келишини кў-тиб ўтириш, — деб давом қилди СССР делегациясининг бошлиғи, — Германия билан сулҳ шартномаси тузиш номаълум вақтга кечикти-риш ва шу билан бирга Германия-нинг миллий жаҳаддан қайта қўши-лишини яқинлаштириш имконияти-ни эътиборсиз қолдириш демекдир. ГАРБИЙ Германия ҳукуматининг ту-тган позицияси сабабли Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси

бир-бирлари билан яқинлашиш учун ҳатто умумий платформа ишлаб чи-қишга ҳам кириша олмаган эканлар, қандай қилиб бирлашган Германия-нини сулҳ шартномаси тузишдаги эг-партирениз қилиб тасаввур этиш мумкин. Сулҳ шартномаси эса ана шу умумий платформани анча да-ражада вужудга келтириши лозим. Шунингдек, Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўз томони-дан иккала герман давлатининг яқинлашуви йўлига янгидан-янги говлар солиш билангина машғул эканлигини ҳам назарга олишга тўғри келади. Биз шу нарсани та-ассуф билан қай қилишга маж-бурмики, Германия Федератив Ре-спубликаси вакили Гресе жаноблари-нинг кенгаш нутқида ҳам бу маса-лада Германия Федератив Респу-бликасининг сиёсати ахши томонга ў-гариниши кўрсатадиган бирор ало-мат бўлмади.

Кеча бу ерда Германия Демократик Республикаси ташқи ишлар минис-три доктор Болы Германия Демок-ратик Республикаси ҳукуматининг сулҳ шартномаси масалаларини ўз иккала герман давлатига таллуқиди бошқа масалаларни Германия Феде-ратив Республикаси билан бирга му-ҳокама қилишга тайёр эканлигини айтди.

Бироқ, Германия Федератив Рес-публикаси ҳукумати бунга ҳозирча ҳеч қандай жавоб бергани йўқ.

Совет ҳукумати мавжуд реал аҳ-волни назарга олиб, иккала герман давлати билан сулҳ шартномаси тузиладиган пайтгача Германия кон-федерацияси тузила, у ҳолда Гер-мания конфедерацияси билан, шунинг-дек Германия Демократик Респу-бликаси билан сулҳ шартномаси ту-зишдан бошқа илож йўқ, деб ҳисоб-лайди.

Совет ҳукумати, деб эслаб ўтди А. Громико, Германияда вужудга келган реал аҳволи назарга олиб, Германия Федератив Республикасини таниди. Совет ҳукумати Аденаур ҳукуматининг сиёсий йўлини ва бу мамлакатда ўрнатилган режимни ёқ-тиригилиги учун шундай қилди, деб сира айтиб бўлмайди. Бу режимни ўтган урушда иттифоқчиларни ил-ҳомланган идеалларга мос деб ай-тиб бўлмас керак. Совет Иттифоқи ўз тадбирини қўриганда, кескиликни юмшатиш манфатларини кўзлаб иш қилди, шунингдек Германия маса-ласини ҳал этишда Германия Демок-ратик Республикасини бошқа ҳеч қан-дай муваффақиятга эришиш мумкин бўлмаганлигидек, Германия Феде-ратив Республикасини бошқа ҳам ҳеч қан-дай муваффақиятга эришиш мумкин эмаслигини ҳисобга олди. Мозоник ГАРБ давлатлари Германия маса-ласини ҳал этилишини тезлаштириши ва Европада тинчликнинг мустаҳ-камланишини ҳақиқатан ҳам истар эканлар, у ҳолда бу мулоҳазалар улар ҳам ёт бўлмастегини лозим.

Шунингдек, Германияни бирлаш-тириш масаласи асосан немисларга таллуқиди бўлса, сулҳ шартномаси тузиш масаласи Европадаги ва Евро-пидан ташқаридаги кўп халқларнинг манфатларига ҳам таллуқиди экан-лигини назарда тутиш керак. Бу масаланинг ҳал этилиши Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш йў-лида муҳим кадам бўлар эди. Албатта, Германияни бирлаштириш маса-ласи катта аҳамиятга эга ва Совет Итти-фоқи бу масалани тинч ҳамда демок-ратик асосда ҳал этишнинг илчил тарафдоридир. Лекин агар Германия Федератив Республикаси бу маса-ла-ни ҳал этиш йўллари ҳақида Гер-мания Демократик Республикаси билан бамаслаҳат бир фикрга келиш учун тайёр эмас экан, оқидан, Германия Федератив Республикаси ҳукумати-нинг анча реалистик позицияга ў-тишини қуттишдан бошқа илож қолма-са керак.

Сулҳ шартномасига келганда аса, гап бошқа. Бу масалани ҳал эти-шини кечиктирилиши немис халқи-гина эмас, балки бошқа халқларга ҳам, умумий тинчлик ишига ҳам пу-тув етказиши. Шу сабабли Совет ҳу-кумати ташқи ишлар министрлиги-нинг кенгаши ўзининг асосий эъти-борини Германия билан сулҳ шарт-номаси тузиш масаласига қаратиш лозим, деган фикрадир.

А. А. Громико кенгаш қатнашчи-лари Германия билан тузиладиган сулҳ шартномасининг совет лойиҳа-сига шартномани тузиш тартиби тўғриси-да Совет ҳукуматининг шу йил 10 январь ва 2 март ноталарида уларга мълум қилинган тегишли тақлифла-рини ўрганиш имкониятига эга бў-лган бўлсалар керак, деб шартнома-нинг совет лойиҳаси мазмунига тўх-талиб ва Совет ҳукумати бу шартно-мани ишлаб чиқканда қандай муло-ҳазаларга амал қилганлигини баён этди берди.

У, жумладан, Совет ҳукуматининг Германия билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги тақлифлари айти-б бир вақтда Берлин масаласининг ҳал этилишини ҳам ўз ичига олган-лигини таъкидлади. Бу ҳолда Берлин масаласининг ҳал этилиши Германия ҳақидаги умумий масаланинг тарки-бий қисми бўлиб қолур эди. Сулҳ шартномаси тузилган тақдирда, Гер-манияни, шу жумладан Берлинни бошқарини ва оқупати қилиш тар-тибининг белгиладиган тўрт томонла-ва битимлар, табиқий, ўз кучини йўқотди. Шундай қилиб, ГАРБИЙ Германияда ханузгача сақланиб кел-ладиган оккупация режими йўқотила-ди ва давлатлар ўртасида шундай, дески тортишувларга сабаб бўлади келган замин бартараф қилинади.

Совет ҳукумати, ГАРБИЙ Берлинга демилитаризациялашган эркин ша-ҳар статусининг берилиши бу маса-лани ҳал этишнинг энг маълум йўли бўлар эди, деб ҳисоблайди. Берлин масаласининг шундай ҳал эти-лиши сулҳ шартномаси совет лойиҳасининг 25-моддасида қў-лаб тўтилди. ГАРБИЙ Берлин унинг территориясида бўлган Гер-мания Демократик Республикаси ҳуку-мати ҳам масалани шу ҳилда ҳал этилишини тўғла равишда қўлаб-қувватламоқда.

Биз эркин шаҳар ишига ҳеч қим-нинг аралашмасини, унинг муста-қиллиги ҳамда ГАРБ мамлакатлари билан ҳам, Шарқ мамлакатлари билан ҳам зарур амалий, маданий ва бошқа алоқаларни таъминлаган бў-лиши мақсадида ГАРБИЙ Берлин учун тақлиф этилаётган статусга ри-оҳ қилинишини таъминлайдиган те-гишли гарантларини бошқа манфа-атдор давлатлар билан биргаликда ишлаб чиқишга тайёрми. Агар, де-ди А. Громико, бу лойиҳанинг асосий афзаллиги нимадан иборат, деб савол берилганда бўлса, бунга шундай деб жавоб қайтариш мумкин: Германия билан тузилган сулҳ шартномасининг совет лойиҳаси ғит-лерчилар агрессиясининг соғиб қу-рибонарига ҳам, ўтмишда герман милитаристларнинг қолди авантюра-лари учун неча мартабала миллион-миллон кишиларнинг ҳаётининг қу-рибон қилиш тўғри келган немис хал-қининг ўзига ҳам хавфсизлигини ишончи равишда таъминлади.

СССР делегациясининг бошлиғи Германия билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги масалани қараб чиқишда совет лойиҳасини асос қи-либ олишни тақлиф этди. Биз бу лойиҳани ушбу кенгашга Совет ҳу-куматининг расмий ҳужжати сифа-тида тақдим этганим, деди у. Ўз-ўзи-дан мълумки, биз кенгашга бош-қа қатнашчиларнинг Германия билан сулҳ шартномасини тозроқ тузишга қаратилган ҳар қандай тақлифларини ҳам қараб чиқишга тайёрми.

А. Громико турли ҳалқаро маса-лалар юзасидан АКШ, Англия ва Франция ҳукуматларининг кенгаш мувоқамасига 14 майга тақдим этил-ган тақлифларига қисқача тўхталиб ўтди. Бу ҳужжатда, деми у, қуро-лсизлигини масаласи ҳам, Берлин ма-саласи ҳам, Европа хавфсизлиги ма-саласи ҳам, Германияни бирлашти-риш, ниҳоят, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш масаласи ҳам бор. Шу билан бирга бўлса, маъмур ҳуж-жат бир бутун ва чамбарчас боғла-ноқ масала сифатида қараб чиқиши-ни лозим, деб айтилди.

Биз АКШнинг секретарининг баёноти, шунингдек унинг кетидан сўзга чиққан Франция ва Буюк Бри-тания ташқи ишлар министрларининг баёнотларини эътибор билан тингла-ди. Совет делегацияси ўз характери жиҳатидан ҳар хил бўлган мураккаб масалаларни бир умумий тугун қи-либ, боғлаб қўйишдек методга ўзининг қандай муносабатда экан-лигини бундан илгари баён этиб ўтган эди. Масалалар-ни булай боғлаб қўйиш, асла-да, уларни ҳал этишга имкон бермайди. Агар шу йўлдан борида-ган бўлса, фақат бир нарсасга эри-шиш — бутун ишни аввал бошла-ноқ бош бериб қўчага қирғизиб қў-йиш мумкин, колос.

Кейинчалик, деди А. Громико, со-вет делегацияси уч давлат ҳужжати-даги тақлифларнинг моҳияти ҳақида ўз нуқтани назарини анча бафасил баён этиб берди.

Питроварда СССР делегацияси-нинг бошлиғи Германия билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги ма-салани дарҳол ҳал этиш учун ҳозир-чи вақтда зарур шарт-шароитларнинг ҳаммаси бор, деди.

У СССР делегациясининг шу юк-са мақсада эришиш йўлидаги ҳа-ракатларини кенгашининг бошқа қат-нашчилари тўшундилар ва қўлаб-қувватладилар, деб умида билдир-ди.

А. А. Громиконинг сўзидан кейин Англия ташқи ишлар министри Сер-вин Ллойд сўз олди. У, А. А. Громико-нинг баёнотини ўрганиб чиқишини ва ўз нутқида назарини баён этиб беришини айтиди. С. Ллойд дастлабки бир неча мулоҳазаларини айтиш билан чекланди. У ана шу мулоҳазалар-ида Европанинг икки ҳарбий ла-герга бўлишини сабаблари тўғрисида Совет баёнотида берилган анализга, Шунингдек Германия Федератив Ре-спубликасидаги аҳволга берилган ха-рактеристикага қўшилганлигини айтиди.

Сўнгра С. Ллойд ГАРБ давлатлари-нинг кеча кенгаш мувоқамасига тақ-дим этилган ва «тинчлик плани» деб аталган тақлифларига қўшимча су-ратда бир неча ноз бериб, Ллойд планининг Германия қайта бирлаш-тириш тўғрисидаги масаласи доир қисмини мақтаб, иккала герман дав-латини бирлаштириш немисларнинг, немис халқининг ўзи ичига эканлиги ва Женева кенгашида умуман муҳока-ма қилиниши мумкин эмаслиги фактини эътиборсиз қолдириди.

Шундан кейин С. Ллойд ГАРБ дав-латлари планининг Европа хавфсиз-лигини таъминлашга доир жуда кўп мураккаб проблемаларни, шу жумла-дан, қурул-орғиларни ва қуроли куларни намойиш этиш масаласидек проблемаларни ўз ичига олган бошқа бир қисмини қараб чиқишга берибди кетди.

С. Ллойднинг сўзидан кейин маж-лис ёпилди. Кенгаш қатнашчилари набабдаги мажлисга душанба куни, 18 майда тўпланишга қарор қилди-лар.

Олий ўқув юр்தларида фестивалъ



Суратда: Тошкент медицина институтининг қизлар ансамбли «Пахта» рақсини ижро этмоқда.

И. Абрамов фотоси.

лалари, ҳозирги замон совет композиторлари ва чет эл халқ кўшиқларини яхши ижро этиб, оқинларга сазовор бўдилар...

О. Сайдаминов.

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети студентларининг II фестивали иккинчи кун давом этди...

Дастлаб стадионда гимнастика, волейбол, баскетбол мусобақалари бошланди...

Шундан сўнг ўйин-кудги фажига чиқди. Айниқса Шарқ авиаклубининг бадий ҳаваскорлари...

Фестивалнинг биринчи кунинда спорт мусобақалари бўлди...

Фестивалнинг иккинчи кунинда бадий ҳаваскорлар коллективларининг кўриги ўтказилди...

Шу кунларда 160-қурилиш трестига қарашли 229-УНР бинокорлари қурилиш ишларини тез суръатлар билан давом эттирмоқдалар...

К. Абдуллоев.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

СПАРТАНАДАГА ТАЙЕРЛАНМОҚДАЛАР

Бўстонлик райондаги Киров юртли ўрта мактаб ўқувчилари шу кунларда республика спортчиларининг XI спартакиадига қизгин тайёрланмоқдалар...

З. Турмиев.

СПОРТЧИ ҲАҚИҚАТИ

Ўрта Чирчиқ райондаги Крупская номидаги 3-ўрта мактабда спорт масъуми уюшқоқлик билан ўтмоқда...

Н. Барнашев, Р. Отақулов.



Тошкентдаги Комсомол қўлида «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг сув станцияси жойлашган...

В. Надемдин фотоси.

УРТЎҚМОҚ

„САНЪАТКОР“ БЕДАНА (МАСАЛ)

Тўғайда шов-шув гап: хушхон Бедана, Нуй-санъат бобида эмис ягона. Гастролга келганимиш, концерт бергани, Жуда саз, бали!

Кирсанг иштаҳанг бўғилади



Суннат ошпаз ҳўрандаларга хизмат қилишга тайёрланмоқда. Н. Меламед чизган расм.

Беданада айб йўқ, парранда ҳолос. «Пит-пилдин»дан бошқа йўқидир ҳўнари...

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Акбаровнинг „ўйини“

Октябрь район «Чингизой дарвоза» кўчаси бўйлаб тортилган электр симлари қаровчи электротехлик, ўтакетган дағаса Акбаров баъзан гап-гап ўйинлар ҳам кўрсатиб қолди...

И. ТУРАЕВ.

Шамол „учириб“ кетган ясли

4-«Боевут» совхозининг 6-бўлимида будан 2 йил аввал ясли биноси қурила бошлаган эди...

А. ТУРАЕВ.

Телеамошбинлар конференцияси

Ўтган жума кўни Ҳама номидаги театр биносида телеамошбинлар конференцияси бўлди...

Қаламқашларнинг ижодий ўйи

Оржоникидзе районининг Қўрай қишлоғи яқинидаги хўшманзарали жойда ҳашаматли бир бино қад кўтарилмоқда...

Бевақт айтилган азон

Ит у кишининг юмшоқ жўйлари ни тийлаб олган, ўзларини аса қаттиқ кўриктан экан, бир неча кунгача аламода бўлиб...

Акбаровнинг „ўйини“

Октябрь район «Чингизой дарвоза» кўчаси бўйлаб тортилган электр симлари қаровчи электротехлик, ўтакетган дағаса Акбаров баъзан гап-гап ўйинлар ҳам кўрсатиб қолди...

Шамол „учириб“ кетган ясли

4-«Боевут» совхозининг 6-бўлимида будан 2 йил аввал ясли биноси қурила бошлаган эди...

Телеамошбинлар конференцияси

Ўтган жума кўни Ҳама номидаги театр биносида телеамошбинлар конференцияси бўлди...

Қаламқашларнинг ижодий ўйи

Оржоникидзе районининг Қўрай қишлоғи яқинидаги хўшманзарали жойда ҳашаматли бир бино қад кўтарилмоқда...

Бевақт айтилган азон

Ит у кишининг юмшоқ жўйлари ни тийлаб олган, ўзларини аса қаттиқ кўриктан экан, бир неча кунгача аламода бўлиб...